

**АБСУРД ДРАМА** — драматургия окимининг шартли номи. XX асрнинг 50—60-йилларида пайдо бўлган ушбу оким тарафдорлари инсон ҳаёти маъносиз, мавҳум деган нуқтаи назарни илгари суришади. Уларнинг фикрича, инсон ҳатто нима учун яшаётганлигини ҳам англаб етолмайди. У доимо ёлгон бурч, ёлгон ахлоқ, ёлгон муносабатларнинг қурбони бўлаверади.

Узоқ вақтлар давомида абсурд драма намояндалари асарларига қурук сафсата деб қараб келинди. 70-йилларга келибгина улар давр олдига қўйган муаммолар долзарб эканлиги аён бўлди. Абсурд драматургия вакиллари сахна асарларини назм ва насрдаги илгор аъаналар билан бойитишди, театр ва сахна ҳақидаги тасаввурларни бир қадар янгилади, унга замонавийлик бахш этишди.